
"Чиркай" маҳалласининг янги маъмурий биноси фойдаланишга топширилди

Давлат раҳбари топшириғига асосан бутун мамлакатимиз бўйлаб энг чекка ва олис ҳудудларда "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонларини жорий этиш бўйича кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Аввал хабар берганимиздек, Республика ишчи гуруҳи бошчилигида танланган 56 та "қизил" тоифадаги маҳаллалар қаторига Фурқат туманидаги "Чиркай" маҳалласи ҳам киритилди. Қомусимизнинг ўттиз бир йиллиги арафасида маҳаллада "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонларини жорий қилиш, ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш бўйича кенг кўламдаги амалий ишлар якунланди.

Бугун маҳалланинг муҳташам биноси фойдаланишга топширилди. Унда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров, Республика ишчи гуруҳи вакили Ботир Парпиев, вилоят Прокурори Баҳтиёр Исмоилов, секторлар раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари, нурунийлар, ёшлар вакиллари иштирок этди.

Ҳурматли меҳмонлар ва нуруний отахонлар иштирокида рамзий боғичлар қирқилиб, тадбир иштирокчилари мазкур бинода яратилган қулайликлар билан яқиндан танишдилар. Замон талабларига мос тарзда жиҳозланган мазкур бинода маҳалла "еттилиги" учун алоҳида хоналар, мажлислар зали, "Жамоатчилик маскани" мавжуд бўлиб, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди жамғармаси томонидан мебель ва компьютер жиҳозлари билан таъминланди.

Маҳалла биноси Республика бюджети ҳисобидан 900 млн сўм маблағ эвазига "Қўқон бинокор" МЧЖ томонидан қуриб битказилди.

Маҳалла биносига тутуш ҳудудда "Маҳалла боғи" ташкил этилиб, 500 туп манзарали дарахтлар, 600 туп гул кўчатлари экилди. Атроф ободонлаштирилиб, ўриндиқлар, сайр йўлаклари ташкил этилди.

Бундан ташқари ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида футбол майдони таъмирланиб, "Workout" майдони қуриб битказилди.















2023-12-08 17:22:32